Дарё хавзаси структурасининг тизимли ёндашув асосида ўрганилиши мода ва энергия оқимлари йўналтишларини тўлиқ таҳлил қилишга имкон беради. Бунда дарё ирмоқлари ва асосий ўзанда содир бўладиган мода ва энергия оқимлари параметрлари ва сифат кўрсаткичлари аниқланади. Бу жараён тизимли табақалашув асосида амалга оширилади.

Дарё ирмоқлари хавзада окизик, ион, туз, техноген мода, биоген фаназима, отир металллар, пестицидлар, кимёвий бирикма, ювучи масса уюлгларнинг йиғилишида, оқимда иштпрок этиши ва уларни

сувнинг ифлослантиришдаги ўрнини аниқлашда тизимли таҳлини ёндашуvingни кўлланилиши ёрдам беради. Н.Т.Кузнецов (1978) ўш шогирдлари билан Амударё ва Сирдарё хавзаларида муайян окисиклар, фосфор, калий, азот ионлари, сувда тез эрийдиган тузлар, баъзи микроэлементлар, чиринди (гумус) ва бошқа моддаларни шу ёндашуvingни кўллаган ҳолда тадқиқ қилган. Аниқланишича, 1961 йилгача Орол денгизига ҳар йили ўртача 29 млн т туз сувда эриган ҳолда кўйилиб келган. Эндликда шу микдордаги туз воҳдаларда сув билан бирга ожиб келиб, тупроқда тўлган бормоқда. Тузнинг бир қисмини коллатор-завур тармоқлари ёрдамида четга чиқаришнинг уйдасидан чиқилмоқда. Қолганлари воҳа тупроқларида тўлганмоқда.

Тизимли ёндашуving муаммони маълум тизимларга бўлиб, табақалашув негизида тизим услубини кўллаш билан уни объектив ҳал қилишга имкон беради. Табиатдан фойдаланишда маъмур ёндашуvingни кўллаш қатта самара бераётганлиги туфайли уни мунтазам таъбиқ этиш фойдалан холи эмас.

3.10. Табиатдан фойдаланишнинг олтизмаллаштириш муаммолари

Табиатдан фойдаланиш мураккаб муаммони жараён бўлганлиги учун уни бошқариш ҳам осон вазифа эмас. Гап табиат бойликларини фойдаланиш муомаласига киритиш ва уни муҳофаза қилиш устида бормоқда. Икки жараённинг бири фойдаланиш, иккинчиси эса унинг ўрнини тўлдиритиш ва фойдаланишнинг оқибатларини бартараф этишдан иборат. Бир пайтда уйдаланган бу вазифа осон кўринсада, аслида мураккаб, кўп функционални юмуш. Кўпинча бойликлардан фойдаланиш вазифаси ҳал қилинса, иккинчи, яъни муҳофазата келганда иш тўлгангича ҳал қилинмай, чага ёки умуман бақарилмай қолади. Бунинг натижасида табиий, экологик ва иқтисодий-иктисодий оқибатлар тарқиб топади, фойдаланишнинг таннарихи ошиб, баъзан оқибатлар ҳажми, оғирлиги тарози палласини босиб юборади. Бу жараёнда экологик мувозанат бўзилиб, вазият жилдийлашади, танг ҳолат устувор бўла бошлади.

Экологик мувозанатнинг бўзилиши табиий муҳитнинг дегрэдацияга юз тутишига сабабчи бўлади, ресурсларнинг бўзилиши уларнинг қашшоқланишига олиб келади. Оролбўйида муҳитнинг бўзилиши деярли барча табиий бойликларнинг дегрэдацияга берилишини кучайтормоқда, турли номақбул табиий-антропоген жараёнлар ривожланиб, ҳудуд ҳужалиғининг инкирозга юз тутишига сабабчи бўлмоқда. Буларнинг барчаси ўрта Осиёда ирригациянинг бекиёс ривожлантирилиши билан боғлиқ бўлиб, сув ресурсининг захираси ва фойдаланиш меъёри деярли ҳисобга олинмаган. Мана шу олдий алашиш қанчалдан-қанча экологик ва иқтисодий-иктисодий оқибатларга олиб келди. Бинобарин, табиатдан фойдаланишнинг биринчи қисми усталлиқ билан бақарилган ҳолда иккинчи, энг муҳим қисмига диққат-эътибор жилдий бўлмаганлиги туфайли ҳозирда 60

индилар аялоди тувохи бўлиб турган табиий-антропоген жараёнларнинг бекиёс даражадаги таракқиёти регионал, ҳаттоки глобал аҳамиятга сабабчи бўлмоқда.

Табиатдан фойдаланишнинг тоғ ва тоғолди ҳудудларида олтизмаллаштириш масаласи мураккаб. Гап шундаки, бойликларнинг дашафт минтақаланиши, тоғларда рельефинг кучли парчалланганлиги, умумий қиялик, молда – энергиянинг бир томонлама сарқати ва бошқа ҳусусиятлар ресурсларни ишта солишда жилдий қийинчиликларни вужудга келтиради. Бу борада тоғли ҳудудга онд георафик – конуниятлар ва конунларни ўрганиш ва уларга амал қилиш лозим бўлади.

Тоғолди ва тоғ ёнбатирларида кузатиладиган конунлардан бири бойлик – ландшафт минтақаланиши бойликлардан фойдаланишда ақотлади. Бу минтақаланиш чўл зонасининг тоғолди минтақаси билан туташган жойдан бошланиб то тоғларнинг энг баланд чўққисига қодар давом этади. Ҳар бир минтақа ўзига хос ҳусусиятларга эга бўлиш билан бирга бир-бири билан узвий боғланганлиги ва ўзаро алоқада қамлаб ҳамкорликда ривожланиши билан тавсифланади. Бир минтақада рўй берган ўзгариш бошқа минтақаларда ҳам маълум ўзгаришларга олиб келиши кузатилади.

Шу конунга кўра ресурслардан фойдаланишда эҳтиёткорлик ва маъмурий таъбиқлига амал қилиш лозим бўлади. Тоғ этақларида сўғорилишнинг ривожлантирилиши унинг куйи қисмида грунт сувларининг сатҳини ҳудудий кўтарилити, баъзи пастқамликларда унинг ер бетига чиқитиш кузатилади. Бу жараён тупроқ шўрланиши ривожланишига олиб келади. Тоғ этақларидаги проловнал шлейфлар, конус ёйилмаларида бу ҳолиса кенг миқёсда бўлиши мумкин. Бинобарин, уларнинг бош қисмларида сувдан фойдаланганда меъёрга амал қилиш, грунтларнинг сув ўтқазитиш қобилияти кучли бўлганлигини эътиборга олиб, филтрацияга қарши сув ўтқазмайдинг материаллар билан сўғоритиш ариқ ва каналларни қоллаш, сўғоринида янги протресив усуллардан фойдаланиш тавсия этилади.

Ушбу конун саноат корхоналарини тоғли ҳудудда қойлаштиришда ер ости ва ер усти сув оқимлари ҳамда тоғ – водий нимолларни ҳисобга олиш, гравитацион жараёнлар, ер силқиниши, проловнинг фаолитларини назарда тутиш лозим. Саноат корхоналарининг оқва сувларининг қиялик бўйича куйи томон оқитиш йонбатирларида ер ости ва ер усти сувларини ифлослайди, оғир металллар, қимёвий ашёлар билан бойитлади. Олой тизма тоғларининг нимоллий ёнбатирларида Қирғизистон ҳудудинда қойлашган шўрларкон, Сулоқта, Тошкўмир, Қизилқия, Уш ва бошқа саноат цехларлари турли мутлак бағандликда қойлашган ҳолда атроф муҳитни ифлослаб кетмоқда, ер ости сувлари оқимида оғир металллар, айниқса сурманнинг кўплиги қайд қилинади. Бу оқимлар Марказий Фарғона ёрларида ҳам маъжудлиги аниқланган.

Бундай вазиятда ресурслардан фойдаланишни такомиллаштириш, чикиндиларнинг сув ва ҳаво орқали тарқалишининг олдини олиш, махсус ускуна ва мосламалар ёрдамида уларни иложи борича максимал равишда тўғиб қолиш тавсия этилади. аёс ҳолда муҳит, айниқса сув хавзаси кучли даражада ифлосланиши мумкин.

Сўх конус ёйилмасида жойлашган Янги Кўконда ишга туширилган кимё корхонаси пролонгал шлейф минтақасида Куританлиги туфайли грунтда кўглаб оқова сувлар сезилиб ўтган ва атроф муҳитни турли чикиндилар билан ифлослаган. Корхонанинг конус ёйилмасининг бош қисмида бунёд этилиши унинг мураккаб муҳандисли геологик шароитда фаоллат қўрсатишини белгилайди. Грунтта сув ва суюқликнинг сезилиб ўтиши ниҳоятда тезкорлик билан содир бўлади. Чунки дағал жинсларнинг филтрация коэффициенти катта бўлганлиги учун сезилиб ўтиши ниҳоятда катта ҳажмда юз беради. Бу ҳодисани корхонани лойиҳалашган пайтда эътиборга олиш керак эди ва шунга яраша антифилтрацион материаллар билан оқавалар ўтказилган каналлар ёйилиши керак эди. Захарли кимёвий ашёларнинг артезиан сувларига кўшилиб кетиши хавфини олдини олиш максалида корхона ёйилиб, бошқа турдаги махсулот ишлаб чиқаришга мослаштирилди.

Тоғ водийларида саноат корхоналарини жойлаштириш мураккаб масала. Бунда корхонанинг тури, ишлаб чиқарадиган махсулотларнинг номлари, қандай хом ашё турларини қайта ишлаши мумкинлиги каби саволларга жавоб бериш керак. Атроф муҳитни ифлослайдиган корхоналарни жойлаштиришда кўпгина омилиларни эътиборга олиш лозим. Атмосфера хавосига чиқариладиган чикинди корхонанинг дудбўронларидан чиқаришлар экан, аввало, шамолнинг устувор ёйилиши ва тезлиги, дудбўронларнинг баландлиги, корхонанинг қандай рельеф шароити (шақли) да жойлашиши, атрофда ўрмонзорлар ва сув хавзаларининг мавжуд бўлиши эътиборга олинади. Дудбўрон қанча баланд бўлса, ундан чиқётган чикинди ҳам шунча узоққа бориб ташлади. Чунончи, юз метрли дудбўрон эса 75 км радиуста элтади (Никитин, Иванов, 1986). Дарвоқе, дудбўронларни қанчалик баланд кўтаришга эришилса, шунчалик узоқ масофага чикиндиларни элтиш мумкин бўлади. Бу усул ҳам ўз ўрнида самарали хисобланади. Тоғ водийлари атрофи баланд тоғлар билан ўралганлиги ва фақат бир томони очиклигини хисобга олсак, саноат корхоналари атмосфера хавосига чиқарган газли зарарли чикиндилар тоғ – водий шамоллари тасвирида бутун водий худуди бўйлаб бир текисда тарқимланади. Чунки кундуз шамол текисликдан тоғ ёнбағрига томон, тунда тоғ ёнбағридан текисликка томон эсиши барчага маълум. Бу жараёнда газсимон чикиндиларнинг водийда текис тарқимланиши кузатилади. Бу жиҳатдан қараганда хавонинг ифлос-ланиши бир текисда содир бўлади. Корхонанинг чикиндисиз ишлаши атроф муҳитнинг мусавфо

бўлишига ижобий таъсир этади. Чирчик, Охангарон, Сурхондарё ва бошқа тоғ водийлари шулар жумласидандир.

Тожикистондаги Турсунозда шаҳри ёнида қад ростлаган анимоний корхонасидан чиқётган газсимон чикиндилар тоғ – водий шамол тасвирида Сурхондарё водийси бўйлаб бизнинг республика худудига бемалол ўтади. Корхона чикиндилари келтираётган зарар Уччи, Денов, Сарисоён, хаттоки Жаркўрғон туманлари худудларида жиндий сезилади (А.Рафиков, 1991, 1997).

Табиатдан фойдаланишни оптималлаштиришнинг худудий, маҳаллий ва нуқтали муаммолари мавжуд. Нуқтали муаммо яқка корхонага тегишли бўлиб, унинг ички ва ташқи хусусиятлари билан боғлиқ. Маҳаллий муаммо шаҳар, туманлар худудларида содир бўлаётган геозеологик воқеликлар билан тушунтирилади. Маҳаллий муаммо худудий муаммо микёсига ривожланиб ўтиши мумкин. Бу худудда содир бўлаётган геозеологик ҳамда экологик вазият ва воқеликларнинг тезкорлик билан ўзгариши ҳамда ёйилиши билан боғлиқ.

Кумли чўлларида табиатдан фойдаланиш ўзинга хос хусусиятларга эга. Кумли чўл нозик табиатли, табиий комплексларнинг бежарорлиги туфайли бошқаришни мураккаблаштиради. Эндликда технотен омилининг борган сари фаоллашуви чўлда ҳаракатланувчи кум рельеф шаклларининг вужудга келишини кучайтирмоқда. Кейинги вақтда нефть, табиий газ, сув кудуқларини қазити, сув кувурларини ўтказиш, темир йўл ва автомобил йўллари қуриш, муҳандисли нишоотларини бунёд этиш, уй-жой мажмуалари қурилишининг кенг микёсда амалга оширилиши кумли яйловларда дегрэдация жараёналарини интенсивлаштирмоқда. Бунинг оқибатида ҳаракатдаги кум уюмлари ва боғиқлар вужудга келиб, рельефнинг ўйлим-чуқурлиги ортмоқда. Усимликлар қопламида ўзгаришлар содир бўлмоқда. Яланг кум массивлари вужудга келиши туфайли ўсимлик туркумини эчқилигининг қамийиши кузатишмоқда. Шўннингдек, ҳаракатдаги кумликни хуш кўрувчи испирк, кўён акацияси, селенининг кенг тарқалиши юз бермоқда. Мардумки, уларнинг яйлов чорвачилигидаги аҳамияти йўқ даражада. Ҳаракатдаги кумликлар ва махсулдорлиги жуда ҳам кам, ўсимликлар худудларининг кенгайиши ҳар бир бош қоракўл кўйига ўтғри келадиган ўртача яйлов майдонининг кенгайишига сабаб бўлади. Ўтган асрнинг 50 йилларида бу майдон 2,6-3,0 гектарга тенг бўлган бўлса, эндиликда 4 гектардан ортди. Бу кумлик яй-ловда ўсимликларнинг дегрэдацияга берилётганидан дарак беради.

Кумли яйловларда табиатдан фойдаланиш кўпгина омилиларни эътиборга олишни талаб этади. Бу борада ўсимликларнинг ўсиш тезлиги, таркиби, ўртача махсулдорлиги, истеъмол қилнадиган ўларнинг хилма-хиллиги, улардаги протенин ва оксил моддаларнинг боғлиги, фойдаланиш вақти, истеъмол суви билан таъминланганлик даражаси ва бошқалар ҳал қилувчи аҳамиятта эга.

Ўт ўсимликларининг ўсувчанлиги ва яйловларнинг мол боқиш учун етилганлигини эътиборга олган ҳолда кўйларни боқишда яйлов масивларини ўз вақтида алмаштириб туриш тамойилига амал қилиш ниҳоятда амалий аҳамиятга эга. Кўйлар бир участкада бетўхтов боқилиши яйловнинг тез муддатда камбағаллашувига олиб келади ва қисқа вақт мобайнида муомаладан чиқишига сабаб бўлади. Яйловнинг ўз вақтида «дам олиши» унинг маҳсулдорлигининг муттасил ортишига имкон беради.

Яйлов амалиётида атрофитоценозлар ташкил этишга аҳамият бериш муҳим вазифа ҳисобланади. Ишдан чиқётган яйловда сунъий бошқариладиган маҳсуе участкалар ташкил этиш ҳамма жиҳатдан фойдалидир. Юқори даражада маҳсулдор ўт, ярим бутта ва бутта ўсимликларнинг уруғини экин йўли билан эч ҳолатда ўстириш билан сифатли маҳсулдор яйлов вужудга келтириш мумкин. «Нурота», «Улу», «Карноб» хўжалиқларида бир неча гектар майдонда атрофитоценозлар ташкил қилинган. Уларда йилнинг барча фаслларида мол боқиш мумкин, чунки йилнинг турли вақтида пишиб етиладиган яйлов ўсимликлари кўйларга исталган вақтда истеъмол учун тайёр. Бунинг учун ушбу яйловларда назорат, парварши, яйлов - мелниоратив чора-тадбирларни мунтазам кўлиниши зарур. Бундай яйловларда ўртача маҳсулдорлик гектарига 5-8 ц дан 10 ц гача боради.

Табиатдан фойдаланишни оптималлаштириш мурраккаб муаммо, бу борада кўпгина омиллар, хусусиятлар, анъанавий воқеликлар ва тараккиёт, табиий комплексларнинг ривожланиш йўналишлари, компонентлар ва ландшафтларнинг барқарорлиги ҳамда ўзгарувчанлиги, табиий-антропоген жараёнларнинг ўзгарувчанлиги кабилар эътиборга олинади. Энг муҳими табиий ва антропоген комплексларнинг структуралари динамика ҳолатини ҳисобга олиш лозим. Чунки табиий комплексларнинг структураси ва динамика ҳолати улардан фойдаланиш жараёнининг асосий хусусиятларини белгилайди.

Табиатдан фойдаланишда ландшафт ҳамда унинг комплекслари контурлари асосида режалаштириш, тактика ҳамда узок муддатга мўлжалланган стратегияни асослаш, барқарорлик ва ўзгарувчанлик хусусиятларини эътиборга олиш, фойдаланиш натижасида таркиб топадиган антропоген жараёнларни мунтазам геоэкологик мониторинг тадқиқот доирасида бўлишига эришиш, ресурсларни инвентаризация қилиб туриш, баҳолаш, табиий комплексларни турли муддатларга мўлжалланган ўзгариш башоратларини ишлаб чиқиш ва улар асосида табиий муҳитнинг бошқариш йўлларини асослашга асосий эътиборни қаратиш лозим. Шундагина табиатдан фойдаланишда оптималликка эришилади.

3.11. Табиатдан оқилгина фойдаланиш-барқарор иқтисодий-экологик тараккиётнинг асоси

Иқтисодиёт табиий муҳит деградацияга берилган, ресурслар қашшоқлашган, аҳоли саломатлигига путур етказилган, атроф муҳит ифлосланган ва экологик вазият бузилган табиий мувозанатда жиддийлашётган тарзда бўлса тургун тараккий қила олмайдди. Худуд (мамлакат, ўлка) табиий ресурслари экологик жиҳатдан тоза, деградация на қашшоқлашишга берилмаган, аҳоли, ишчи ва хизматчилар саломатлиги қаноатланарли, атроф-муҳит мусоффо бўлган тақдирда иқтисодиётни ривожлантириш учун қўлай имкониятлар вужудга келади. Бинобарин, иқтисодиёт билан экологик шароит орасида жуда ҳам яқинлик мавжуд бўлиб, улар бир-бирини тақозо этади.

Иқтисодиётнинг тараккиёти кўп жиҳатдан минерал ресурсларга боғлиқ, ишлаб чиқариш муомаласига жалб қилинган сари уларнинг миқдори камайиб боради. Экологик-иқтисодий барқарор ривожланиш тамойилига кўра, хозирда мавжуд бўлган минерал ресурсларнинг маълум қисми келажак авлодларга етказилиши лозим. Шу жиҳатдан қаратилганда хозирдаёқ ушбу минерал бойлиқларнинг ўрнини етгиллайдиган муқобил вариантги ресурсларни топиб, фойдаланишни бошлаш айни мўлдоо. Электр энергия ишлаб чиқаришда кўпроқ сув, шамол, кўёш нуридан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ўзбекистонда шамол кучли эсидиган худудлар (Бекобод, Кўкон, Ховос ва б.) бисёр. Кўёш нури республика худудида деярли йил бўйи сочилиб туради, бу борада Паркентга электр энергия ишлаб чиқарадиган катта маҳсуе қурилима фаолият кўрсатиб турибди, бундай ва ундан каттарок бўлган кўп электр энергия ишлаб чиқарадиган қорхоналар бунёд этиш учун барча имкониятлар мавжуд, фақат катъиятлик ва ҳаракат зарур.

Тоғлардаги серуя дарё ва йирик сойлар гидрэнергия манбаидир, уларга мос келадиган ГЭС ларни қуриш билан арзон электр энергия ишлаб чиқариш имкониятлари етарли.

Иккиламчи ресурслардан фойдаланиш микёсини кескин кўтариш вақти келди, кўглаб қора ва рангли металл йиғиш имконияти бор (фақат Орол денгизининг қуриши муносабати билан унинг жанубий туб қиргоғи яқинида кўглаб турли катталиқдаги кемалар, баржалар қолиб кетди, хозир улар қоррозияга берилмоқда). Хар йили республикада жуда кўглаб автомобил ва трактор резина бағлинишдан техник жиҳатдан шидан чиқини муносабати билан фойдаланишдан қолади. Уларни йиғиб маълум ишлаб чиқариш жараёнларида фойдаланиш имкони бор, масалан, резина сановатида, асфальтти йўлларни қуришда ишлаш мумкин. Қоғоз чиқиндилари, пластмасса, шиша идишлари ва бошқа тоифадаги иккиламчи ресурсларни хар йили кўглаб йиғиш мумкин ва улардан сифатли маҳсулот тайёрлаш имкони бор. Булар анча миқдордаги хом ашёни тежайди ва атроф муҳитни ортиқча ифлосланшидан сақлайди.

Оқоридагилардан шундай хулоса чиқариш мумкин: барқарор иқтисодий ривожланишни амалга ошириш учун аввало қўлай экологик вазият ва мувозанатни мустақамлаш, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ҳамда табиат муҳофазасини мунтазам амалга ошириб бориш, ресурсларни омиликорлик билан фойдаланишни барча соҳаларда йўлга қўйиш, иқтисодий самаратга эришиш устувор вазифа бўлиб қолиши ва у амалда бажарилишига эришиш лозим.

Ўзбекистонда табиат ва унинг ресурсларидан фойдаланишнинг географик асосларини ишлаб чиқиш борасида талай ишлар қилинган. Уларнинг аксарияти амалиётга йўналтирилган, бу яхши. Бироқ бу борда назарий ишланмаларни кўпроқ тайёрлаш амалиёт учун негиз вазифасини ўтайди.

Табиатдан расамдагига яраша ва оқилона фойдаланиш нес-нобудтарчиликнинг олдини олиш билан бирга катта иқтисодий фойда келтиради, чунки иқтисод қилиб қолинган хом ашё эвазига тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилади. Бундан жамият ҳам, табиат ҳам наф қўради, айниқса табиий ресурслар шу йўл билан узоқ муддатгача заҳирода бўлиб, фойдаланишдан холи ҳолатда мавжуд бўлади. Табиий шароитда бойликларнинг сифати бўзилмайди, ташки ва ички омиллар таъсиридан холи бўлади, микдор жихатдан камаймайди.

Мелиоратив жихатдан мураккаб ва оғир бўлган проливиял-аллювиал-проливиял текисликларда оч бўза, бўз-кўнгр, тақирли туپроқлар мажмуа ҳолда учрайди. Бу туپроқлар баъзи ҳудудлар (Қарши чўли, Жиззах чўли) да ўзлаштирилган. Туپроқлар таркибида гипс (20-25%) ва туз (1-1,5%) мавжудлиги туфайли пахта ҳосилдорлиги паст (Хар гектарда 3-10 ц). Ерларни ўзлаштиришдан аввал шу ҳудудларни муомалатга киритиш туғрисида чуқур таҳлилий маълумотларни ўрганиш билан бир фикрга келиш зарур эди. Пахта ҳосилдорлиги талабга жавоб бермайди, шунга эътиборга олиб, ҳудудни яйлов сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки олинган ҳосил чўти сарфланган сув, минерал ўғит, агротехник ишлар харажати, уруғ нархини қопламайди, иқтисодий жихатдан зарар. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини тўдан ўзгартириш, яъни шўрсизлантириш ва гипсларни бартараф этиш иқтисодий жихатдан рентабелликка олиб келмайди. Сарф-харажатлар катта микдорни ташкил этади.

Оқоридагилардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, экологик жихатдан қўлай туپроқ — мелиоратив хусусиятларга эга бўлган ҳудудларда барқарор иқтисодий-экологик тараққиёт юз бериши мумкин, ноқўлай бўлган тақдирда унга мос бўлган соҳа (тармоқ) ни татибқ этиш жоиз. Мавжуд табиий шароит ёки табиий-мелиоратив шароитга (ҳолат) мос келувчи хўжалик тармоғини ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

Конус ёйилмалари, дельталар, проливиял шлейфларнинг этак қисмларида грунт сувларининг ётиқ харажати тўла таяминланмаган, тик харажат устун, шунинг учун туپроқда шўрланниш ҳодисаси мунтазам содир бўлиб туради. Экинлардан қўзланган ҳосил фақат ҳудудга мос

келувчи ишчи ҳолатдаги зовур тармоқларининг оптимал зичлиқдаги параметри ва қишда туپроқлардаги шўрли сифатли ювиш жараёни орқали ештирилиши. Туپроқдаги туз ва шўр грунт сувлари экинлар негетацияси учун зарар етказмаслиги керак. Бу шароит фақат мавжуд ювур ва шўр ювиш натижасида вуждуга келади. У жараён осон иш эмас, маълум микдорда сарф-харажатларни талаб этади. Бундан ташқари, ер доимо белгиланган нишаблик (0,002-0,003) да бўлиши лозим. Демак, доимо маълум мелиоратив чора-тадбирлар қўлланилиши шарт, акс ҳолда ер шидан чиқади.

Бундай шароитда инсоннинг барқарор бошқарувчанлик фаолияти асосида табиатдан туғри фойдаланишга эришилади. Ўз навбатида бу сунъий мунтазам бошқарув ҳудудининг экологик-иқтисодий жихатдан барқарор ривожланишига негиз бўлади. Бошқарувнинг бироз бўлашши тараккиётнинг секинлашишига, ўз ҳолига ташлаб қўйиш эса бузилишга сабаб бўлади. Мирзачўл ва Жиззах чўлида кейинги вақтларда мелиорациянинг бўлаши ерларнинг туз босилишига, грунт сувлари сатҳининг кўтарилишига сабаб бўлмоқда. Пировардиди, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари мўлжалдаги пахта ҳосилини йиғиштириб ололмайти.

Табиатдан фойдаланиш мураккаб жараён, кўпгина омилар ва хусусиятларни эътиборга олиш, мунтазам бошқарув, чора-тадбирларни ўз вақтида қўллаш, ресурсларни омиликорлик билан муомалатга киритиш, неснобудтарчиликка йўл қўймашлик, чикинди, оқва ва қайтган сувлардан иложи борича фойдаланиш, уларни тозалаш, кам чикиндилли ва берк (чикиндилсиз) технологияни қўллаш, экологик вазиятни мунтазам юмшатиб туриш, табиат муҳофазасининг бойликлардан фойдаланиш жараёнида мажмуали қўллаш ва бошқа ишлар барқарор иқтисодий-экологик ривожланишга асос бўлади.

ХУЛОСА

Табиат билан жамият қадим вақтлардан бери ўзаро муносабатда бўлиб келган. Ўрта асрлар, хусусан XX асрдан эътиборан сановат ишлаб чиқаришнинг муттасили ўсиши, аҳоли сонининг қўлайлиши ва шунга мувофиқ қишлоқ хўжалигининг ривожланиши табиий ресурслар, хусусан ер, сув, яйлов, ўрмон, минерал бойликларини хўжалик муомаласига киритишни кенг миқёсда амалга оширишга туртки бўлди. Ўтган асрнинг 60 йилларидан бошлаб эса бу жараён анча тезлашди. Ресурслардан фойдаланиш расамдагига яраша бўлмаганлиги сабабли нес-нобудтарчиликка йўл қўйилиши туфайли, ишлаб чиқариш технологиясида самарадорликнинг мўлжаллагидан кам бўлиши, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун метёбдатгидан қўл хом ашё сарфланниши ва бошқа омилар таъсирини турли чикиндиларнинг кўпроқ чиқишига, сувдан нооқилона ва ердан экстенсива фойдаланиш, ўрмонларни аёвсиз қирқиш, минерал ресурсларни ишлатишда исрофгарчиликка йўл қўйиш

ва бошка шунга ўхшаш иш юритиш жараёнида табиий мухитда экологик мувозанат жиддий зарар кўра бошлади, жойларда танг ва фавқулодда экологик вазиятлар таркиб топа бошлади.

Табиатдан фойдаланишнинг бундай амалга оширилиши маълум экологик ва ижтимоий-иқтисодий оқибатларга олиб келди. Оқибатларнинг табиий ва экологик тоифалари кенг тарқалган бўлиб, табиий комплексларнинг ўзгариши ва уларда экологик вазиятнинг жиддийлашувига сабаб бўлди. Республика ҳудудидида каноатланарли ва ўрғача вазият улуши камайиб, кескин, танг ва фалокатли тоифадати вазиятлар майдонлари кенгайди.

Ижтимоий-иқтисодий оқибатлар экологик вазиятлар кескинлашган ҳудудларда теранлашиб бормоқда. Бунинг энг яхши индикатори сифатида аҳоли соғлиги ҳолатини кўрсатиш жонз. Оролбўйида фалокатли ва танг вазиятлар кучайган ҳудудда аҳоли соғлиги ташвишли ҳолатда, болаларнинг хасталаниши ва ўлимни ўрғача кўрсаткичлардан анча юқори ҳисобланади.

Табиатдан фойдаланишнинг назарий ва методологик асослари кўп функцияли, шу билан бирта яхлит, бир бутун, табиатни бўлимаган ҳолда ўрганишга асосланган интeгpал илмий негиз ҳам мавжуд. Шундан бири тизимли ёндашув, ҳар қандай ҳудуд (шунингдек георафик кобик) ни тизим деб қарайди ва у тизимли услуб билан ўрганилишини такозо этади. Ер шари олдий фациядан тортиб то георафик кобикгача ҳисобсиз бир-бирига бўйсунувчи тизимлардан ташкил топган. Бу тизимларни тизимли ёндашувни кўлаб ўрганиш мақсади мувофиқ, Ландшафт, экологик, мажмуали ёндашувлар ҳам ҳудудларни ўрганишда асқотади. Бундан ташқари табиий комплексларнинг табақалашуви ва интeгpациялашуви, динамикаси, ривожланиши, ҳолати, уларнинг структуралли динамик ҳолати, ўзгаришчанлиги ва барқарорлиги конуналари ҳамда конунаиятлари ҳам аниқланган. Улар ҳам ўз ўрнида му-аммони таджикот қилишда фойдаланилади.

Бозор иқтисодийети шаронтида табиий ресурслардан фойдаланишнинг илмий тамойиллари мавжуд бўлиб, улардан ўз ўрнида фойдаланиш айна мулдаолир. Ҳар бир тамойилли маълум бир мақсадли кўзлайди, демак уларнинг маълум турухининг кўлланилиши табиатдан фойдаланиш илмий негизга таянишидан дарак беради.

Табиий бойликлардан фойдаланиш узок тарихга эта, Зарафшоннинг кўйи ва ўрта ва Амударёнинг кўйи оқимларида ҳужалик 2500 йилдан ортик муддатга ривожланмоқда. Бу даврларда меънатқаш халқ бойликлардан фойдаланишда катта тажриба тўплашга муваффақ бўлди. Эндликда ҳам тарихий йилларда эришилган ютуқ, тажриба ва натижаларнинг энг яхшиларидан фойдаланиш фойладан холи бўлмайдди. Халқ тажрибаси бу – конун, эришилган ютуқлар услуби хозирда ҳам кўлланилиши лозим. Ер ва сувдан фойдаланишда минг йиллар давомида эришилган яхши натижалар шу бутунлиги фаолиятда ҳам зарур, улардан ўрганиш керак.

Табиий ресурслардан фойдаланишнинг экологик-георафик асослари бошка негизлардан фарқ қилган ҳолда кенг камровлиги, кўп функцияналлиги, катта ҳудудлар заминини эғдлаганлиги билан фарқ қилади. Энг муҳими тирик табиат билан нотирик табиат ўртасидати оптималли муносабат ва мувозанатнинг барқарор ҳолда бўлишини асқолайди. Георафик ва геоэкологик конун ҳамда конунаиятлар негизда жараён ва ҳодиса, воқеали, масала, муаммо, ривожланишларни ўрганади ва уларни хал қилади. Бу жиҳатдан қараганда бойликлардан оқилана фойдаланиш масалаларини мақсадга мувофиқ ҳолда илмий жиҳатдан тўғри хал қилишда мажмур тамойилларга таяниш ўринлидир. Ресурслардан фойдаланишда табиий комплекслар, хусусан ландшафт комплекслари тамойилга асосланиш услувор аҳамиятта эта. Ландшафтининг тик ва ётик структуралари ҳудудни динамик аспектда ўрганишда асқотади.

Табиат билан жамият ўзаро таъсирини оптималлаштириш муаммолари бисёр. Ўзаро таъсир мураккаб кечди, бунни олдий георафик фациядан тортиб, ландшафт-табиий георафик район-табиий георафик провинция – ўлка-георафик кобик микёсида хал қилиш мумкин. Куйидан бошланган муаммоли масалаларнинг ечимини хал қилиш услувор аҳамиятта эта. Бу йўналиш индукция методига мос келади. Ландшафт микёсидаги масалаларнинг фациядан бошланиши табиатдан фойдаланишни тўғри хал қилишга нимкон беради.

Табиатдан фойдаланишда бир катор илмий ёндашувларга асосланилади. Мажмуали, геоэкологик, иқкитамич ресурслардан фойдаланиш, табиатдан меърида фойдаланиш, бойликлардан фойдаланишда кам чикиндилли ва чикиндисиз технологияни кўлаш, номатлуб ҳодисаларнинг режимида тартибга солиш ва бошка ёндашувлар асос қилиб олиниши амалий аҳамиятта эта. Бу ёндашувлар бир-бирини тўлдирлади, бирида кўйилган камчиликлар иккинчи бошка турдаги ёндашувларни кўлаш йўли билан бартараф қилинади.

Бойликларни ўзлаштиришда оқиланалик тамойилга асосланиш ва уларни иқтисод қилиш йўналишида ишлаб чикаришни ривожлантириш, кам чикиндилли ва чикиндисиз технологияни кўлаш йўли билан атроф мухитни ифлослантирмаслик мажмуасида махсулот тайёрлаш энг олий вазифа ҳисобланади. Чунки ишлаб чикаришни бу тартиб ва тарзда ташкил этиш мухит ифлосланишининг олдини олади, аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Барқарор иқтисодий-экологик тараккиёт шундай тамойилга асосланади. Мажмур тараккиётда аввало ҳудуднинг экологик аҳоли соғлом бўлиши, табиий ресурслар ҳолати (сифати, миклорий кўрсаткичлари ва бошқ.) динамик ва ривожланиш босқичлари амалий фойдаланишга тўлиқ жавоб бериши керак. Бошқача айтганда, табиий мухит бойликлари ва экологик вазият кўлай аҳвол (ҳолат) да бўлиши иқтисодий тараккиётнинг ҳам бир маромда бўлишига таъсир этади. Иқтисодий ривожланиш табиий ва экологик ҳолатга жуда ҳам боғлиқ, умумий тараккиёт икки томоннинг

кулайлик негизда таркиб топади. Шунда табиий мухит ва экологик вазият устувор аҳамиятта эга, яъни улар негиз вазифасини ўтайди.

Табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро таъсирни оптималлаштириш мураккаб ва кўп функцияли муаммо. Буни оддий ландшафт фациясидан бошлаб то географик қобик микёсида ҳал қилиш мумкин. Аниқланишича, кўйи географик тақсономик бирликлар кафолати бор. Кўйи тақсономик бирликлар худудида муаммони ҳал қилишга эришилса, кейин ундан юқоридаги бирликка ўтиш имконияти пайдо бўлади. Демак, ҳарқат кўйдан юқори томон амалга оширилади. Муаммонинг ечимида мажмули ёндашуви кўллаш юқори самара беради, чунки жуда кўллаб турли хусусиятларни ҳисобга олиш тўғри келади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Анучин В.А. Основы природопользования. М., «Мысль», 1978, с.293.
2. Бекназаров Р.У., Новиков Ю.В. Охрана природы. Ташкент, «Укитувчи», 1985, с.584.
3. Герасимов И.П. Экологические проблемы в прошлой, настоящей и будущей географии мира. М., «Наука», 1985, с.248.
4. Давыдова Г.А. Единство человека и природы как философская проблема. В кн.: «Взаимодействие общества и природы». М., «Наука», 1986, с.5-24.
5. Ковалев А.М. Общество и законы его развития. М., 1975, с.175.
6. Никитин Д.П., Новиков Ю.В. Окружающая среда и человек. М., «Высшая школа», 1986, с.416.
7. Преображенский В.С. Основы ландшафтного анализа. М., «Наука», 1988, с.192.
8. Рафиков А.А. Геоэкология муаммолар. Тошкент, «Укитувчи», 1997, 112 бет.
9. Рафиков А.А. Геоэкологиянинг назарий ва методологик масаллари. «География ва кадрлар». Илмий семинар материаллари. Тошкент, «Университет». 2001, 14-18 бетлар.
10. Рафиков А.А., Аманбаева З.А. Геоэкологические проблемы предгорных и горных долин Узбекистана и пути их решения. В кн.: «Геоэкология и геоэкологические проблемы горных и межгорных систем». Мат-лы международной конференции, 26-28 марта 2001 г. Ташкент, 2001, с.23-24.
11. Рафиков А.А. Иктисодий-экологик барқарор ривожланиш муаммолари. «Ўзбекистон география жамияти ахбороти». Тошкент, 22 жилд, 2001, 17-22 бетлар.
12. Рафиков А.А. Табиат ва Унинг ресурсларидан фойдаланишнинг географик асослари. УзМУ География фак-ти илмий тўплами. Тошкент, 2001, 72-81 бетлар.
13. Рафиков А.А. и др. Вопросы улучшения мелиоративного состояния орошаемых земель дельты Амударьи в условиях их опустынивания. В сб. ТИИМСХ, Ташкент, 2001, с.78-86.
14. Рафиков В.А. Аральское море-нужно и можно сохранить. Ж. Экологические вести Узбекистана. Ташкент, №2, 2002 г. с.3-17.
15. Рафиков В.А., Камбаров Р. Новая пустыня - Аралкум. Ж. Проблемы освоения пустынь. Ашхабад, №4, 2003 г. с.17-21.
16. Рафиков В.А. Араг: крик среди пустыни. Республика илимий-амалий анжумани материаллари. «География тарихи: хотира ва кадрлар». Наманган, 2005 й. 25-26 бетлар.
17. Рафиков В.А., Рафикова Н.А. Оценка антропогенных изменений климата в связи с влиянием на природу Земли. «Проблемы сейсмологии в Узбекистане». №2. Ташкент «Янги аср авлоди»-2005. Сб. тр. ин-та Сейсмологии АН РУз. с. 291-301.

Ўзбекистон Республикасида табиатини муҳофизат қилиш соҳасида амалдаги қонунлар

18. Рафиков В.А. Тор ва тоғолди ҳудудларининг экологик-иктисодий барқарор ривожланиши: муаммолар, ечимлар ва тақлифлар. Ўзбекистон География жамиятининг 7-сезди материаллари. Тошкент, 2006 й. 96-98 бетлар.
19. Рафиков В.А. Орол денгизининг қуриган қисми: муаммо, ечимлар ва тақлифлар. Ўзбекистон Миллий Университети. Ҳозирги замон географияси: назария ва амалиёт. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент, 30-31 январь 2006 й. 85-89 бет.
20. Розанов А.Н. Засоление и мелiorация орошаемых почв. В кн.: «Применение дренажа при освоении засоленных земель». М., 1958. с.163.
21. Урсул А.Д. Интенсивный путь взаимодействия общества и природы: противоречия, проблемы и перспективы. В кн.: «Взаимодействие общества и природы». М., «Наука», 1986. с. 73-100.

№	Қабул қилинган қонунлар	Санаси
1	Ўзбекистон Республикаси Конституцияси	8.12.1992 й.
2	Давлат санитария назорати тўғрисида	3.07.1992 й.
3	Табиатини муҳофизат қилиш тўғрисида	9.12.1992 й.
4	Сува сувдан фойдаланиш тўғрисида	6.05.1993 й.
5	Алоҳида муҳофизат қилинган ҳудудлар тўғрисида	7.05.1993 й.
6	Ер ости қазilmалари тўғрисида	7.05.1993 й.
7	Қазilма бойликлар ҳақида	22.09.1994 й.
8	Атмосфера ҳавосини муҳофизат қилиш тўғрисида	26.12.1996 й.
9	Санитария-гигиена тартиб қоидалари тўғрисида	1998 й.

№	Ҳудудлар	Экинлик	%
1	Қуруқликнинг умумий майдони	148,9 млн км ²	100
2	Қуруқликнинг инсон фойдаланидиган қисми	98,5 млн км ²	65
3	Фоал фойдаланидиган қуруқлик, қуруқчи, шудгол, ёғилар	22,3 млн км ²	15
4	Узаштириш учун қийин бўладиган ерлар	9 млн км ²	6
5	Узаштириш қийин бўлган: чул, ботқоқлик, ёлбоғлар	37,5 млн км ²	24
6	Фойдаланиш учун яроқсиз ерлар музолиқлар, оловли тоғлар	22,5 млн км ²	15
7	Шақил, қишлоқ ва бошқа турар жойлар	3 млн км ²	2
8	Ер шарида инсон таъсирини шиддат чиккан жойлар, туپроқ бузилиши, шўрроқ	4,5 млн км ²	3
9	Қуруқликнинг ўсимликлар массиви		99,2
10	Хайвонлар массиви		0,8
11	Оқсида ўсимликлар массиви		6,3
12	Хайвонлар ва микрорганизмлар		91,7

№	Бирла хўжалик маънавий эҳтижлари учун ишлатилган сува	Экинлик
1	Барча хўжалик маънавий эҳтижлари учун ишлатилган сува	3,8 млн км ²
2	Сугорилиш учун	3 млн км ²
3	Саноат маънавий суваларни ташиш	0,5 млн км ²
4	Саноат маънавий оқшларни билан ифлосланган сува	6 млн км ²
5	Қишлоқ хўжалик ва бошқа фойдаланган ерликларда янги дивонда қўрилган туپроқ ва гуналар	4 млн км ²
6	Янги дивонда жўшқин қабил қилинган дивонлар ва қурилган маънавийлар	125 млрд т
7	Янги дивонда ишлатилган ерлик	8,9 млрд т
8	Янги дивонда инсон таъсирини шиддат чиккан жойлар	1 млрд т
9	Инсон таъсирини шиддат чиккан жойлар ва хайвонот ҳолати	50 млн т
10	Инсон таъсирини шиддат чиккан жойлардан суг сангулини ва қушлар	256 тур

- Алар эрамининг 1800 йилда ҳар 55 йилда 1 та тур хайвон йўқолган бўлса, ҳозир ҳар йил 1 та тур йўқолмоқда.
- 1850 йилда жаҳонда ағниги 4 та миллионер шакар бўлган бўлса, 1900 йилда эса 19 та, 1960 йил 141 та, 1980 йилда 180 та, 1995 йилда 200 дан ошқ миллионер шакарлар мавжуд бўлди.
- 2000 йилда сайёрамизда ҳавонинг ўртача ҳарорати 1-2 даражага, 2025 йилда 2-3 даражага, 2050 йилда 3-5 даражага ошиши географик бапторат эгилмоқда. Бу сайёрамизнинг экологиксига катта таърифлар келтирди.
- Қизил китобнинг 3 та тур мавжуд: Халқаро, миллий, локал қизил китоблардир.
- Қисқоролдинг ҳосил бўлган 182¹⁰ 20 грамм ва ишлатилиши 189¹⁰ 20 грамм.
- Тропик ўрмонларда бутун ер шарни ўсимликларининг 50%, хайвонот дунисининг 65% тўғри келди.
- Гидросфера сайёрамиз массивининг 0,024% ташки қилган ҳолда гидросфернинг 86,5% ни оқсан ва денгизлар ташки қилди.
- Ер шаридати чуқуқ сува захирасининг 20% Байкал қўлида тўпланган.
- Инсон таъсирининг 60-80% сувадан ноборат.

МУНДАРИЖА

- Тарқибда 1 граммга 733 (1 литрда) бўлган сув ичишга яроқли ҳисобланади;
- 1 м³ ифлос сув 40-60 м³ тоза сувни ифлослайди;
- Хар бир шахар аҳолисига 300 кг ахлат тўғри келади;
- Ривожланган мамлакатлар аҳолисининг 90% сув ўтказгич суви билан тяминланган;
- Атмосферага битта автомобиль ўртача 800 кг углевод оксиди, 115 кг углеводород, 38 кг азот оксидини чиқаради;
- Аҳолиси 1 млн бўлган шахардан суткасига 1000 тонна ахлат чиқади;
- 1 м³ теракдан 1 млн донга гутурт учун ва 300 кг картон олинади;
- Ер шарда катта китобга сўт эмигувчилар 291 та кушлардан 287 та, суьда ш кўрукингда шловачилардан 37 та, суьрашиб юрувчилардан 108 та тушган;
- Катта китобнинг нарқалари кизил, ок, сарик, кўк сакхифалардан иборат. Энг хавфлиси кизил ва кўккир;
- 1 тонна чўан ишлаб чиқариш учун 300 м³ сув;
- 1 тонна мис ишлаб чиқариш учун 500 м³ сув;
- 1 тонна резина ишлаб чиқариш учун 3500 м³ сув;
- 1 тонна синтетик каучук ишлаб чиқариш учун 3600 м³ сув;
- 1 тонна никел ишлаб чиқариш учун 4000 м³ сув керак.

— 3909 —



Кирриш		
1.	Табиат билан жамият муносабатлари ва уларнинг окйбатлари	5
1.1.	Инсон хўжалик фаолиятининг ривожланиши ва худуднинг табиий ресурсларидан фойдаланишининг кўчайиши	5
1.2.	Фан ва техника тараққийети, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва табиатдан фойдаланишининг кўчайиши	8
1.3.	Экологик мувозанат ва унинг табиатдан нотўғри фойдаланиш жарёёнида бузилиши	11
1.4.	Табиатдан фойдаланишининг экологик ва иқтимоий-иктисодий окйбатлари	15
2.	Табиатдан фойдаланишининг экологик-географик асослари	19
2.1.	Табиат ва унинг ресурсларидан фойдаланишининг назарий ва методологик асослари	19
2.2.	Бозор иқтисодиёти шароитида табиий ресурслардан фойдаланиш тамойиллари ва устувор йўналишлари	23
2.3.	Ўзбекистонда табиий ресурслардан фойдаланишининг анъанавий-тарихий услублари ва услулари, имкониятлари, ижобий ва салбий окйбатлари	27
2.4.	Табиат ва унинг ресурсларидан фойдаланишининг экологик-географик асослари	30
3.	Табиат билан жамият ўзаро таъсирининг оптималлаштириши	34
3.1.	Табиатдан меъёрида фойдаланишни амалга ошириш	34
3.2.	Табиатдан фойдаланишида мажмуага ёндашуь	37
3.3.	Табиатдан фойдаланишида геоэкологик ёндашуь	39
3.4.	Табиатдан фойдаланиш тизимида иккитамчи ресурсларнинг аҳамияти	41
3.5.	Табиатдан фойдаланишида кам чиқиндилли ва чиқиндисиз технологияни куллас	44
3.6.	Табиатдан фойдаланишида юкори иқтисодий самарага эришиш	45
3.7.	Табиатдан фойдаланишида номатлуб табиий-антропоген жараянларни барқарор бошқариш	47
3.8.	Табиатдан фойдаланиш ва атроф мухитни мухофаза қилиш	53
3.9.	Табиатдан фойдаланишида кулланниладиган ягона илимий ёндашуь	55
3.10.	Табиатдан фойдаланишни опималлаштириш муаммолари	56
3.11.	Табиатдан оқилана фойдаланиш-барқарор иқтисодий-экологик тараққийетнинг асоси	61

Хулоса	63
Адабиёт	67
Илова	69

В.А. Рафиков

**ТАБИАТ ВА ЖАМИЯТ МУНОСАБАТЛАРИНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШНИНГ
ЭКОЛОГИК-ГЕОГРАФИК
АСОСЛАРИ**

Формат 60x84 1/16. Гарнитурга «Times New Roman».

Ризо босма усул. Босма табок. 4,5.

Адаби 100. Буюртма № 36

ООО «Munis design group» бомаҳонасида чоп этилди.
Тошкент, И.Муминов-13.